

ЁШЛАРНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ ИЛМИЙ ПЛАТФОРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Зокиров Муҳаммадюсуф Саминжон ўғли
Наманган муҳандислик-қурилиш институти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7435523>

Аннотация: Сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим тизимини рақамлаштириш борасида қатор ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Лекин, фавқулотда юзага келган пандемия даври соҳада йўл қўйилган бир қатор хато ва камчиликларни яққол намоён этиб бера олди дейиш мумкин [1-3]. Айниқса, глобал пандемия, масофавий таълим тизимларини яратишда, қилиниши лозим бўлган энг устувор вазифаларни ҳам белгилаб олишга имкон яраиди [4].

Калит сўзлар: таълим тизимини рақамлаштириш; ёшларни таълим жараёнидаги муаммолари; ёшларни таълим жараёнидаги муаммоларга муносабати; мустақил таълимнинг сифати; ёшларнинг қўллаб қувватлаш; илмий платформа жорий этишнинг истиқболлари;

Президентимизнинг олий мажлисга ва бутун ўзбек халқига қилган мурожаатларида таъкидланганидек: таълим – мамлакатни ривожлантирувчи энг асосий драйвер ҳисобланади [5-6]. Айни мақсадларни инобатга олиб ёшларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, эртага албатта ўз натижасини бермай қолмайди [7].

Хўш, ёшларнинг ўзлари ҳам юқоридаги мурожаатга “лаббай” деб жавоб бера оладиларми? Айни мақсадда ва ёшларни таълим жараёнидаги муаммоларини ўрганиш юзасидан, талаба ёшлар ўртасида ижтимоий сўровлан ўтказдик [8]. Ушбу сўровнома натижаларини таҳлил этиш мобайнида ёшлар томонидан билдирилган бир қатор фикрлар диққатга сазавор [9-10], Масалан: Аксарият талаба ёшлар (деярли 79%) фанлар юзасидан бериладиган “мустақил иш”ларни, ортиқча оворагарчилик деб ҳисоблашлари маълум бўлди [11]. Бунинг сабаби сўралганда эса, ёшларнинг жавоби қуйидагича тушунтирилди:

- Биз қўлёзма тарзида тайёрлайдиган реферат ёки мустақил иш каби нарсалар, бу шун-чаки маълум бир адабиётларни соатлаб кўчириб ўтириш ва фақатгина мазкур фанни баҳолаш учун хизмат қилади ҳолос. Унда “мустақил” иборасига мос бирор бир жиҳат кўринмайди.

- Баъзи ўқитувчилар талабанинг кўпроқ ўқиб ўрганиши нуқтаи-назаридан, қўлёзма шаклидаги “мустақил иш” ёки “реферат”ларни талабага юклаб, унинг вақтини олгандан кўра, электрон шаклда ҳам

топширишлари мумкин эканини таъкидлайдилар. Бу ўринда ҳам, муаммонинг ечими соддалигича қолаверади. Жумладан, талаба интернет тармоқларидан айна мавзудаги рефератнинг электрон нусҳасини юклаб, қоғозга чоп этади ва топшипишга боради. Иккинчи фикрда ҳам “мустақил” иборасига мос бирор бир жиҳат ўз аксини топмайди.

Мустақил таълимни бу шаклда баҳолаш, қайсидир маънода шаффофлигига умуман таъсир эта олмайди. Жаҳоннинг ривожланган давлатларининг таълим жараёнида ҳам “мустақил иш” деган тушунча борми? Бор бўлса, улар қай тартибда тайёрланади ва тақдим этилади? Бу каби саволларга жавоб сифатида, қуйидаги қисқа ва маъноли фикрни келтириш мумкин.

- Чет давлатлар таълим тизимининг ўзи-мустақил иш. У орқали соҳадаги янгиликлар ўр-ганилади ва яратишга эришилади.

Бизда эса, дарсда эшитавериш ўрганган XX аср адабиётларидан мавзуда такроран мустақил иш ҳам тайёрлаш лозим (фақат ҳужжат ўрнида). Бизнинг усул, талабани таълимдан бездиришнинг энг содда ва кенг тарқалган усули бўлса керак.

Ҳозирги кунда, мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида “Ёшларнинг изланишларини қўллаб қувватлаш илмий платформаси”ни ишлаб чиқиш борасида қўшимча изланишлар олиб бормоқдамиз.

Лойиҳа биринчи навбатда, мамлакатимиз илмий салоҳиятини жадал ривожлантиришни назарда тутувчи, ушбу лойиҳа доирасида, ёшлар ўқиш / иш фаолияти мобайнида тайёрлаган ўз ишларингизни платформа орқали омалаштиринг ва қўшимта рағбатлантириш кўзда тутилган.

Платформа орқали шунингдек, юртимизда ўтказиладиган, илмий анжуманлар, конференцияларнинг ўтказилиши ва уларни ёшлар орасида омалаштиришга кўмаклаш ҳам белгиланган. Платформа томонидан изланувчан ёшлар ва фаол ҳодимларни рағбатлантириш билан бирга, мазкур платформанинг маълумотлар баъзасини кенгайтириш мақсадида фаолият олиб боради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, талаба ёшларни жамиятда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги ролини кучайтириш; Инновацион ғояларни амалга ошириш ва такомиллаштириш; Шунингдек, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ва рағбатлантириш каби устувор вазифаларини амалга ошириш ҳамда мазкур йўналишда илмий тадқиқот ишларини фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Сайфиддинов, О., Гойипов, А., & Рахмонов, Д. (2022). КОМПОЗИЦИОН ФЕНОЛ-ФОРМАЛЬДЕГИД СМОЛАЛАРИНИ ТЕРМИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ.
2. Юсупов, И., Зокиров, М., & Сайфиддинов, О. (2022, October). БИОГОМУС ЎЎИТЛАРИ. БИОГОМУСНИНГ ХОССАЛАРИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ. In Международная конференция академических наук (Vol. 1, No. 29, pp. 17-24).
3. G'oyipov, A. (2022). TERMOPLASTIK POLIEFIRLAR ISHRIROKIDA MODIFIKATSIYALASHNING AFZALLIKLARI.
4. Ergashev, S., G'oyipov, A., & Alimuxamedov, M. (2022). KOMPOZITSION FENOL-FORMALDEGID OLIGOMERLARINING TARKIBINI NEFELOMETRIK USULDA O'RGANISH. *Science and innovation*, 1(A5), 424-430.
5. Shamshidinov, I., Kodirova, G., Sayfiddinov, O., & Zakirov, M. (2022). METHOD OF APPLICATION OF BIOGUMUS AS WELL AS OBTAINING LIQUID BIOORGANOMINERAL FERTILIZERS FROM RAIN WORM BIOGUMUS. *International Bulletin of Applied Science and Technology*, 2(10), 40-46.
6. Rakhmonov, D., & Gayipov, A. (2022). STUDY OF COMPOSITION AND CRITICAL PARAMETERS OF DUST FROM LOCAL COTTON INDUSTRY. *International Bulletin of Applied Science and Technology*, 2(9), 77-81.
7. G'oyipov, A., Mamayunusova, M., & Ergasheva, Z. (2022). QOVOQ MAG 'ZINING TARKIBINI TADQIQ ETISH.
8. Нормурадов, И. У., Сабирова, Р. Г. К., & Гойипов, А. Р. У. (2021). ИССЛЕДОВАНИЕ ТЕПЛОВЫХ СВОЙСТВ МОДИФИЦИРОВАННЫХ ФЕНОЛФОРМАЛЬДЕГИДНЫХ ОЛИГОМЕРОВ. *Universum: технические науки*, (6-3 (87)), 65-69.
9. Гайипов, А. Р., Нормурадов, И. У., & Таджиходжаева, У. Б. (2020). ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЕ СОСТАВА ФЕНОЛА СПИРТА НА ПРОЦЕСС ВШИВАНИЕ МОДИФИЦИРОВАННЫХ ФЕНОЛ-ФОРМАЛЬДЕГИДНЫХ ОЛИГОМЕРОВ. *Экономика и социум*, (12-1), 457-461.
10. Нажмиддинов, Р. Ю., Мелиқўзиева, Г. Қ., Зокиров, М., & Юсупов, И. (2022). Марказий Қизилқум фосфоритларидан таркибида кальций ва магний бўлган концентранган фосфорли оддий ўғитлар олиш. *Ijtimoiy fanlarda innovatsiya onlayn ilmiy jurnali*, 2(6), 56-61.
11. Azizbek, G., & Muzaffar, D. (2022). PRODUCTION OF POLYESTER BASED ON ADIPIC ACID AND DETERMINATION OF OPTIMAL COMPONENT RATIO OF COMPONENTS. *Universum: технические науки*, (7-4 (100)), 43-46.

12. Usmonova, Z., Boyturaev, S., Sodatov, A., G'oyipov, A., & Dehkanov, Z. (2018). PROCESSING OF CALCIUM NITRATE GRANULATED CALCIUM SALTPETER. Scientific-technical journal, 1(2), 98-105.